
ЎЗБЕКИСТОН ЧЕМПИОНАТИГА ЁЗЁВОН МЕЗБОНЛИК ҚИЛАДИ

Бутун республикамизда бўлгани каби туманимизда ҳам ёшлар ва катталар ўртасида спортни оммалаштиришга катта эътибор қаратилмоқда. Бунинг натижаси ўлароқ юртдошларимиз орасидан жаҳон, Осиё чемпионлари, халқаро мусобақалар совриндорлари етишиб чиқишяпти. Болалар спорт мактабининг Хонободдаги базасида 2008 ва ундан кейинги йилларда туғилган қизлар ўртасида чим устида хоккей бўйича Ўзбекистон чемпионати старт олди. Мусобақанинг тантанали очилиши Хонободдаги яшил парк амфитеатрида бўлиб ўтди. Унда туман ҳокими Дилшоджон Джалилов, вилоят чим устида хоккей федерацияси ижрочи директори Абдулҳамид Ваҳобов ва бошқалар сўзга чиқишиб, чемпионатни муваффақиятли ўтказиш ҳамда иштирокчиларга омад тилади.

Меҳмонлар ёш спортчиларга бу ерда яратилган шароитлар учун миннатдорчилик билдиришди.

Ёзёвон тумани ҳокимлиги ахборот хизмати

2022-09-28 10:11:58